



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING YAGONA AKSIYADOR (ISHTIROKCHI) QARORI

20 22 yil "17" январь

№ 04/10-қр

Toshkent sh.

“Пойтахт банк” АЖнинг 2021 йил фаолияти якунларини аудиторлик текширувидан ўтказишни ташкиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Тошкент шаҳрида арзон уй-жойларни қуриш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2824-сон қарори ҳамда “Пойтахт банк” АЖнинг 2021 йил 24 декабрдаги МТ 01-12/1056-сонли мурожаатига асосан Давлат активларини бошқариш агентлиги қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

“Пойтахт банк” АЖ “Товарлар, ишлар ва хизматлар хариди бўйича харид комиссияси”нинг 2021 йил 13 декабрдаги 90-сонли мажлис баёни қарорига асосан, банкнинг 2021 йил учун молиявий ҳисоботларини, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида ташқи аудит текширувидан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотлар ўртасида энг яхши таклифларни танлаб олиш юзасидан махсус ахборот порталига эълон жойлаштирилганлиги;

“Пойтахт банк” АЖ “Товарлар, ишлар ва хизматлар хариди бўйича харид комиссияси”нинг 2021 йил 22 декабрдаги 94-сонли мажлис баёни қарорига асосан, “Пойтахт банк” АЖнинг 2021 йил учун молиявий ҳисоботларни, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар асосида ташқи аудит текширувидан ўтказиш ишларини амалга ошириш бўйича “Grant Thornton” МЧЖнинг 160,0 млн. сўмлик (ҚҚС билан 184,0 млн. сўм) таклифи танлов ғолиби, “РФК МАК ALYANS” МЧЖнинг 253,0 млн. сўмлик (ҚҚС билан) таклифи захира ғолиб деб топилганлиги;

“Пойтахт банк” АЖ бошқарувининг 2021 йил 23 декабрдаги 77-сонли баёни қарорига мувофиқ, 2021 йил учун молиявий хисоботларини, молиявий хисоботларнинг халқаро стандартлар асосида ташқи аудит текширувидан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун “Grant Thornton” МЧЖ танлов ғолиби ва “РФК МАК АЛҲАНС” МЧЖ захира ғолиб деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Пойтахт банк” АЖнинг 2021 йил фаолияти молиявий хисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилсин.

3. “Пойтахт банк” АЖнинг 2021 йил фаолиятини молиявий хисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун “Grant Thornton” МЧЖ тасдиқлансин ҳамда аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ 160,0 млн. сўм (ҚҚС билан 184,0 млн. сўм) миқдорида белгилансин.

4. “Пойтахт банк” АЖ бошқаруви (М.Тахиров)га:

аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича “Grant Thornton” МЧЖ билан белгиланган тартибда шартнома тузилишини ва аудиторлик текширувини ўтказилишини;

аудиторлик текшируви натижаларини Давактив агентлигига тақдим қилинишини таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш директор ўринбосари А. Миралиев ва “Пойтахт банк” АЖ бошқарув раиси М. Тахиров зиммасига юклансин.

Директор


А. Ортиқов